



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING FARMOYISHI

### **Давлат харидларини амалга оширишда танлов ўтказиш учун харид комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида**

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига асосан, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича ҳолис баҳолаш ва тартибга солиш ҳамда давлат харидларини рақобатлашув усулларини амалга ошириш йўли орқали ғолибни (ғолибларни) танлаш мақсадида:

#### 1. Қуйидагилар:

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг энг яхши таклифларни танлаш ва тендер харид қилиш тартиб-таомиллари **мажбурий тартибда электрон шаклда ўтказилиши;**

энг яхши таклифларни танлаш ва тендерни **электрон шаклда ўтказиш** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ амалга оширилиши;

давлат томонидан қўриқланиши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида муҳофаа қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун давлат харидлари, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган давлат харидлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларига, Ўзбекистон Республикасининг референдумларига тайёргарлик қўриш ҳамда уларни ўтказиш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 февралдаги 69-сон қарори билан тасдиқланган Давлат харидларида энг яхши таклифларни танлашнинг алоҳида тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ, давлат харидлари энг яхши таклифларни саралаб олиш йўли билан амалга оширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Давлат харидларини амалга оширишда танлов ўтказиш учун харид комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

#### 3. Белгилансинки, харид комиссияси:

ўз фаолиятини “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасига мувофиқ амалга оширсин;


давлат харидлари ижрочисини аниқлаш тартиб-таомилларининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги, ўзи қабул қилаётган қарорларнинг асослилиги ва беғаразлиги учун жавобгар ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 17 мартдаги 55-сон “Ички ишлар вазирлиги Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш юзасидан доимий харид комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Фармойиш тегишлилиги бўйича барча шахсий таркиб эътиборига етказилсин.

6. Мазкур фармойиш талаблари ижросини таъминлаш ва назорат қилиш Вазирлик Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти бошлиғи, полковник А.А.Абиджанов зиммасига юклатилсин.

Вазир



П. Бобожонов

Тошкент шаҳри,  
2023 йил “16” 01,  
4 -сон

Ички ишлар вазирининг  
2023 йил “ 16 ” 01 даги № - сон  
фармойишига  
ИЛОВА

**Давлат харидларини амалга оширишда танлов ўтказиш учун харид комиссияси  
ТАРКИБИ**

<b>Комиссия раиси:</b>	Департамент бошлиғи полковник <b>Абиджанов Абдуғани Абдурахмонович</b>
<b>Комиссия раиси ўринбосари:</b>	Моддий-техника таъминоти бошқармаси бошлиғи подполковник <b>Абдурахмонов Иброхимжон Отажонович</b>
<b>Комиссия аъзолари:</b>	Хўжалик бошқармаси бошлигининг ўринбосари подполковник <b>Атаджанов Умидбек Боғибекович</b> Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари майор <b>Каюмов Абдумалик Бахтиярович</b> Молия-иқтисод бошқармаси бошлигининг ўринбосари полковник <b>Курбанов Шерзод Шухратович</b> Ички аудит ва таҳлил бўлими бошлиғи майор <b>Утебаев Марат Есенбаевич</b> Харид қилиш юзасидан танловда ташаббускор бўлган бошқарманинг бошлиғи Назорат-тафтиш инспекцияси бошлигининг ўринбосари подполковник <b>Хамраев Жахонгир Абдуллаевич</b> Шахсий хавфсизлиги бош бошқармаси биринчи бошқарма марказий аппарат соҳавий хизматлар бўйича бўлимнинг ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили подполковник <b>Муҳамеджанов Сарвар Сабиржонович</b> Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти, Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш бошқармаси бош инспектори майор <b>Набиев Навруз Гуломжонович</b> Тезкор-қидирув департаменти Коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили подполковник <b>Акбутаев Зафар Бердимуратович</b>
<b>Комиссия котиби:</b>	Харид қилиш юзасидан танловда ташаббускор бўлган бошқарманинг масъул ходими

*Изоҳ: Доимий танлов комиссияси аъзоларидан бири бошқа лавозимларга ўтган тақдирда, унинг ўрнига ушбу лавозимга тайинланган ходимлар ёки зиммасига тегишли вазифаларни бажариш юкланган ходимлар иштирок этиши мумкин.*